



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 14 октябрь, № 219 (7999)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕОИИ ВА МДХ САММИТЛАРИДА НУТҚ СЎЗЛАЙДИ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
14-15 октябрь кунлари ЕОИИ
ва МДХнинг видеоалоқа
шаклидаги саммитлари
ишида иштирок этади.**

14 октябрь куни давлати-
миз раҳбари Қозоғистон ра-
ислигида ўтказиладиган Олий
Евроосиё иқтисодий кенгаши-
нинг навбатдан ташқари маж-
лисида қузатувчи мақомида
нутқ сўзлайди.

Россия, Беларусь, Қозо-
гистон ва Қирғизистон
Президентлари, Арманистон
Бош вазири кенгаш аъзолар-
и ҳисобланади. Йиғилишда
қузатувчи сифатида Куба
Президенти ҳам сўзга чиқи-
ши кўтилибди.

Йиғилиш кун тартибига
мувофиқ Евроосиё иқтисодий
иттифоқи доирасидаги кўп то-
монлама савдо-иқтисодий
ҳамкорлиқни янада мус-
таҳкамлашнинг долзарб ма-
салалари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон етакчиси ўз
нутқида ЕОИИ билан амалий
ҳамкорлиқнинг истиқболли
йўналишларини белгилаб
беради.

Ташкилот ҳузуридаги қуза-
тувчи давлат мақоми мамла-
катимизга ўтган йил декабрь
ойида берилганини таъкидлаш
жоиз. Жорий йил апрель
ойида Ўзбекистон Республика-
си Хукумати ва Евроосиё
иқтисодий комиссияси
ўртасида ҳамкорлик тўғриси-
даги меморандум ҳамда
2021 — 2023 йилларга
мўлжалланган Қўшма тadbир-
лар режаси қабул қилинди.

15 октябрь куни эса Мус-
тақил Давлатлар Ҳамдўстли-

ги Давлат раҳбарлари кенга-
шининг юбилей мажлиси
бўлиб ўтади. Унинг ишида Ар-
манистон, Беларусь, Молдо-
ва, Озарбайжон, Россия, То-
жикистон, Туркменистон, Қир-
ғизистон, Қозоғистон ва
Ўзбекистон етакчилари ишти-
рок этиши кўзда тутилган.

Беларус раислигида ўтқа-
зиладиган тadbирда ташкилот-
нинг 30 йиллик фаолиятидаги
кўп томонлама ҳамкорлик
яқунлари, шунингдек, савдо,
инвестициялар, саноат коопе-
рацияси, транспорт, миграция,
маданий-гуманитар алмашин-
ув соҳаларидаги шериклик-
ни янада кенгайтириш бора-
сидаги қўшма режалар кўриб
чиқилади.

Хавфсизлик таҳдид солаёт-
ган замонавий хавф-хатарлар-
га қарши курашиш ҳамда кенг
минтақада барқарор тарақ-
қийни таъминлаш масалалар-
и муҳокама қилинади.

Ҳамдўстликда ҳамраис-
лик қилаётган Ўзбекистон
Президенти МДХни ривож-
лантиришнинг узоқ муддатли
концепцияси мақсад ва
вазифаларига эришиш бўйи-
ча қатор муҳим ташаббуслар-
ни илгари сурди.

Тadbир якунида МДХ ма-
қониди ўзаро манфаатли ҳам-
корлиқни мустаҳкамлашга
қаратилган кўп томонлама
ҳужжатлар тўплами қабул
қилинади.

Ў.А.

Ялпи мажлис

АҲОЛИНИНГ МАРКАЗЛАШГАН ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ ҚАНЧАГА ОШДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги
мажлисида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик
партияси фракцияси ҳамда Фуқароларнинг соғлигини
саклаш масалалари қўмитаси ташаббуси билан “Аҳолининг
барча тоифалари, айниқса, ижтимоий заиф қатлам учун
санитария-гигиена воситаларидан умумий ва тенг
фойдаланиш имкониятини таъминлаш тўғрисида”ги масала
юзасидан юборилган парламент сўровига Бош вазир
ўринбосари Бехзод Мусаевнинг жавоби атрофлича кўриб
чиқилди.

Парламент сўровига жа-
вобда қайд этилганидек,
кейинги йилларда мамла-
катимизда олиб борилаётган
ислохотлар натижасида бар-
ча соҳада ижобий ютуқлар-
га эришилмоқда. Хусусан,
2020 йилда 1 918,5 млрд. сўм
миқдорида маблағлар
ўзлаштирилиб, 463 та объек-
тда 4 400,4 км. ичимлик ва
оқова сув тармоқлари қурил-
ди, реконструкция ишлари
олиб борилди. Натижада
456 мингдан зиёд аҳолининг
ичимлик сув таъминоти яхши-
ланди. Амалга оширилаётган
қурилиш ишлари натижасида
аҳолининг марказлашган
ичимлик суви билан таъмин-
ланганлик даражаси 63,9 фо-
издан 69,7 фоизга ошди.

Шунингдек, олис ҳудудлар-
да жойлашган қишлоқлар
аҳолисини ичимлик суви бил-
ан таъминлаш учун 100 та
махсус техника харид қили-
ниб, 227 та қишлоқ аҳолиси-
га ичимлик суви етказиб бе-
ришга эришилди.

Тақдим қилинган маълумот-
ларга кўра, юртимиз аҳоли-

сининг оқова сув билан таъ-
минланганлик даражасини ях-
шилаш мақсадида 32 та йирик
шаҳар ва 155 та туман
марказида 7676,2 км. оқова
сув тармоқлари қурилиб, оқова
сув тозалаш ишютиларининг
қуввати 4 105,5 минг м³/сут-
кага оширилади. Натижада
аҳолининг марказлашган
оқова сув хизмати билан таъ-
минланганлик даражаси ша-
ҳарларда 57,8 фоиздан 87 фо-
изга, туман марказларида эса
5,4 фоиздан 56,7 фоизга ўси-
шига эришилади.

Шу билан бирга, мамла-
катимизда ичимлик сув таъ-
миноти ва оқова сув тизими-
ни ривожлантириш юзасидан
халқаро молия институтлари
иштирокида умумий қиймати
2 350 млн. долларга тенг
бўлган 22 та инвестиция лойи-
ҳаси амалга оширилмоқда.

Мажлисида кун тартибиди-
га масала юзасидан билди-
рилган фикр-мулоҳазалар
инобатга олинган ҳолда,
парламент сўровига юборил-
ган жавоб маълумот учун
қабул қилинди.

БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИГА СЎРОВ ЮБОРИЛДИ

Шу йилнинг июнь — август ойларида Ўзбекистон
“Адолат” СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
фракцияси аъзолари томонидан республика ҳудудларида
“Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги
Қонуннинг бажарилиш ҳолати ўрганиб чиқилди.

Ўрганишларда аҳолига
хизмат кўрсатиш борасида
эришилган ютуқлар билан бир-

га, ўз ечимини кўтаётган бир
қатор тизимли камчи-
ликлар аниқланди.

3

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ — ЮРТИМИЗ ЖАВОҲИРИ, САНОАТ ДРАЙВЕРИ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев жойлардаги бунёдкорлик ишлари,
йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида
13 октябрь куни Навоий вилоятида бўлди.**

Шавкат Мирзиёев дастлаб навоий-
лик сайловчилар билан учрашди.
Шундан сўнг давлатимиз раҳбари
Навоий шаҳридаги “Ишга марҳамат”
мономарказини бориб кўрди.

Марказ Президентимизнинг 2020 йил
11 августдаги “Камбағал ва ишсиз
фуқароларни тadbиркорликка жалб қилиш,
уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва
касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда
аҳоли бандлигини таъминлашга оид
қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги
қарорига мувофиқ ташкил этилган. Бу
ерда меҳнат бозори талаблари асосида
хизмат кўрсатиш, қурилиш, қишлоқ ҳўжа-
лиги ва техника соҳаларидаги ўттизга
яқин касбларга тайёрлаш йўлга қўйилган.

Мономарказда кутубхона, мажлислар
зали, 30 та ўқув, компьютер ва амалиёт
хонаси, 200 ўринли ётоқхона, автотура-
гоҳ мавжуд. Ўқув ва машғулот хоналари
тегишли ускуна, компьютер, муляж ва
бошқа жиҳозлар билан таъминланган.

Йиллик ўқитиш қуввати 3 минг
400 нафарни ташкил этадиган ушбу мар-
казда 97 иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари марказдаги

машғулотларни кўздан кечириди, ёшлар

билан суҳбатлашди.

— Ишсиз фуқароларимизни касб-

хунарли қилиб, ҳаётга йўлланма бериш

учун мана шундай шароитларни ташкил

қилаёلمиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

— Бундан унумли фойдаланиб, касбни

яхши ўргансангиз, сизлар иш эмас, иш

сизларни излайди, даромадингиз юқори

бўлади. Неча ёшга қиришдан қатъи на-
зар, ўқиган, изланган, касб эгалларингиз

одам кадрли бўлади. Мен сизларнинг

шундай кадрли бўлишингизни истайман.

Иқтисодиёт тармоқларида малакали

мутахассисларга талаб ошиб бораётта-

ни, бу ерда ўқиган ёшлар келгусида ишга

олиниши қайд этилди.

— Катта-катта корхоналар қурылмиз,
қўлида чет элдан келган мутахассислар
ишляпти. Бизнинг мақсадимиз — ўзи-
мизнинг ёшларни ишлатиш, халқимизга
ойлик бериш. Бунинг учун вақтни бекор
ўтказмай, ўзларингиз ҳам, устозларингиз
ни ҳам қийнаб, касбни мукаммал эгал-
лашингиз керак, — деди Президент.

Муассаса давлат-хусусий шериклик
тизимидида ишляпти. Давлат шароит
яратиб, илмий ва моддий жиҳатдан таъ-
минляпти. Машғулотларни амалиётчилар,
тadbиркорлар, заводлар вакиллари олиб
боради ва кейинчалик битирувчиларни
ишга олади. Мономарказ дипломи касб-
хунар мактаблари дипломи билан бир
хил даражага эга.

Шунингдек, марказда инглиз, рус,
япон, корейс тилларини ўқитиш курсла-
ри ҳам очилган.

Бугунги кунда 300 нафар тингловчи
26 касб-хунарга ўқитилмоқда. Уларнинг
62 нафари “аёллар дафтари”, 71 нафа-
ри “ёшлар дафтари”га қиритилган иш-
сиз ва иш қидираётган фуқаролар ҳисоб-
ланади.

Давлатимиз раҳбари Навоий шаҳри-
даги “Фарҳод” маданият саройида ви-
лоятдаги миллий маданий марказлар ва-
киллари билан мулоқот қилди.

— Сизларга маълумки, юртимиздаги
аҳилик, тотувлиқни мустаҳкамлашга
алоҳида эътибор бераялмиз. Бунинг на-
тижасида ҳаётингизда нималар ўзгар-
ди? Нима муаммолар, қандай тақлиф-
лар бор? Шулар ҳақда сизлар билан
юракдан гаплашгани келдим, — деди
Президент.

Ҳамкорлик

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Санкт-Петербург шаҳрида учинчи Евроосиё аёллар форуми бўлиб ўтмоқда.

Олий Мажлис Сенати Раи-
си Т. Норбоева форум доира-
сида бўлиб ўтган ялпи маж-
лисида — “Хотин-қизларнинг
тинчлик ва ишонч диплома-
тиясини ривожлантиришдаги
миссияси” парламентлараро
мулоқотда иштирок этди.

Ялпи мажлиси МДХ ПА

Кенгаши раиси В. Матвиенко

ошди.

Таъкидланганидек, ҳаёт
сифатини яхшилаш ҳамда
тинчлик ва барқарор тарақ-
қийёт йўлида халқлар ўртаси-
даги муносабатларни шакл-
лантириш глобал аёллар ҳам-
jamiyatининг устувор вазифа-
ларидандир. Пандемиядан
кейинги реабилитация ва кенг

қўламли эмлаш усуллари
бўйича ёндашувларни ишлаб
чиқиш ҳам асосий масалалар-
дан ҳисобланади.

Тadbирда юқори палата
Раиси Т. Норбоева нутқ сўзла-
ди. Жумладан, у хотин-қизлар-
ни ҳар томонлама қўллаб-қув-
ватлаш, мамлакатда уларнинг
манфаатларини таъминлаш ва
ролини ошириш янги Ўзбе-
кистоннинг ички ва ташқи
сиёсатида асосий вазифа-
ларидан бири эканлигини таъ-
кидлаб ўтди.

Қайд этилганидек, мамла-
катнинг турли давлат орган-
ларида хотин-қизлар вакил-
лиги 26 фоиздан ошган,
1500 нафардан зиёд аёллар

раҳбарлик лавозимларида
фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек, Сенат Раиси
Ўзбекистон бу борада тажри-
ба алмашишга, бошқа мам-
лакатлар илғор ютуқларини
қабул қилишга ва халқаро му-
лоқот учун очкиликка тайёр
еканлигини таъкидлади.

Ялпи мажлис давомида бир
қатор давлатлар парламентла-
ри раҳбарлари аёлларнинг
сиёсат, жамият ва иқтисоди-
ётдаги ролини оширишга
қаратилган маърузалари
тингланди.

Учрашув якуни бўйича ген-
дер тенгликни мустаҳкамлаш-
га қаратилган тавсиялар
ишлаб чиқилди.

Нуфузли анжуман доираси-
да Ўзбекистон Республика-
си Олий Мажлиси Сенати
Раиси, Марказий Осийе мам-
лакатлари етакчи аёллари
мулоқоти раиси Танзилла
Норбоева “БМТ-Аёллар” ту-
зилмасининг Европа ва Мар-
казий Осийе мамлакатлари
бўйича минтақавий директори
Алия Эл-Яссир билан учрашди.

Унда томонлар Ўзбекистон

билан гендер бўйича, жумла-
дан, Марказий Осийе мамла-
катлари етакчи аёллари муло-
қоти доирасидаги ҳамкорлик
масалаларини муҳокама
қилди.

3



Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди
ташвиқоти доирасида Тadbиркорлар ва
ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон
Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон
Республикаси Президентлигига номзод
Шавкат Мирзиёевнинг Сайловолди дастуридан
ўрин олган қўллаб-қувватлов йўналишларга оид
мақолалар чоп этиляпти.

Мазкур мақолалар Ўзбекистон Республикаси
Президентлигига номзодларга сайловолди
ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр
майdonи доирасида эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг. >>>

207 ТА САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА ЖАРАЁНЛАР ОНЛАЙН ВИДЕОТРАНСЛЯЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги
мажлисида айрим сайлов участкаларида сайлов
жараёнини видеотрансляция қилиш бўйича
қўшимча чора-тadbирларни белгилаш,
шунингдек, сайлов жараёнига рақамли
технологияларни жорий этиш, сайлов жараёнини
бошқариш ахборот тизимини такомиллаштириш
борасида амалга оширилган ишлар муҳокама
қилинди.

Таъкидланганидек, сайлов
жараёнида замонавий ахбо-
рот технологияларидан фой-
даланиш очкилик ва ошқора-
лиқни таъминляпти, шунинг-
дек, сайловчилар учун ҳар
томонлама қўлайликлар яратиб
беради. Шу боис бир қатор
давлатлар сайлов жараёни-
да замонавий ахборот тех-
нологияларидан фойдаланиб
келмоқда.

Овоз бериш куни мамла-
катимиз ҳудудида жойлашган
207 та сайлов участкасида
сайлов жараёнлари онлайн
видеотрансляция қилинади.

Видеотрансляция жараёни
Марказий сайлов комиссия-
сининг Матбуот маркази-

3

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР АСОСИДА ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗАМИЗ

Бугунги кунда инсоннинг сайлов ҳуқуқи ва
эркинликларини таъминлаш, демократик ҳамда
адолатли сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш,
шунингдек, уларни оммавий ахборот
воситаларида ёритиш билан боғлиқ
30 дан ортиқ халқаро норматив-ҳуқуқий
ҳужжатлар мавжуд.

Муҳими, улардаги норма-
лар миллий қончилигимиз-
да ҳам ўз ифодасини топ-
ган бўлиб, Ўзбекистон Рес-
публикаси сайлов тизими

уларда белгиланган та-
моил ва қоидалар асосида
шакллантирилган.

4

ШУКРОНАЛИК ТУЙҒУСИ ВА ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Анджон вилоятида ҳар бир соҳада ҳар қандай ислохотларга
ижодий ёндашиш аънанаси мавжуд. Бунда вазиятдан келиб чиққан
ҳолда амалий ҳаракатларнинг ўзига хос жиҳатларига эътибор
қаратилади. Ўз навбатида, ижобий натижаларга олиб келган бу
усулбдан ҳудудда истикомат қилувчи аҳолининг камбағал қисмини
эҳтиёжмандлар сафидан олиб чиқишда ҳам кенг фойдаланилди.

Халқ билан мулоқот



Бунинг учун, албатта, Президентимизнинг
“Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ри-
вожланишини таъминлашга доир устувор чора-

тadbирлар тўғрисида”ги, “Худудларни комплекс
ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сек-
торлар фаолиятини янада такомиллаштиришга

доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги
қарорлари ҳамда “Аҳоли муаммолари билан
ишлаш тизимини янада такомиллаштириш

чора-тadbирлари тўғрисида”ги Фармони
дастуриламал бўлди.

4



Фаровон ҳаёт формуласи: таълим — тиббиёт — турмуш

Замонавий дунёда фаровон турмуш сари интилиб катта муваффақиятларга эришган, эришётган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, ижтимоий соҳа доимо бирламчи ўринда туради. Зеро, бу жабҳадаги муаммолар бадастир қилинмас, комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмас экан, таназзул “занжир эффекти” орқали жамиятнинг бошқа йўналишларига ҳам жиддий салбий таъсирини кўрсатади.

Шундан келиб чиқсак, ижтимоий соҳада юртимизда сўнгги беш йилда салмоқли, жадал ислоҳотлар олиб борилдики, яққол, аниқ натижаларга эришиляпти. Хўш, бу ўзгаришлар нечоғли ҳаётбахш ёхуд халқ розилиги қандай қозониляпти? Куйида шулар ҳақда мухтасар баён қилинади.

Олий таълимдаги ислоҳотлар — янги ўзбекистон замини

Инсоният тарихига назар ташланса, таълим тизимининг тараққиёти жамиятнинг барча соҳасидаги ютуқ-муваффақиятни таъминлайди. Ҳар қандай тизимнинг ривожи, инсон ақл-заковатининг бойиши таъамирида, албатта, илм ётади. Президентимиз “Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва, албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”, дея алоҳида таъкидлаб ўтгани бежиз эмас.

Мамлакатимизда таълим тизими ва илм-фанни узлуксиз ривожлантириш сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган, бу жабҳаларда узоқни қўзлаган ангича ёндашувлар, муҳим креатив ўзгаришлар, миллий ва халқаро тажриба ҳамда чуқур таҳлилларга асосланган ислоҳотлар жараёни кечмоқда. Фикри-мизча, кейинги йилларда таълим соҳасидаги энг катта ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ютуқлардан бири бу — ўқувчи, талаба ва ўқитувчиларнинг ўз фаолиятига умуман тўғри келмайдиган мажбурий ва болалар меҳнатига жалб қилинишига барҳам берилганидир.

Аввал олий таълим муассасаларида ўртача ўн ой бўлган ўқув йилининг уч-тўрт ойида талаба ва ўқитувчилар қишлоқ ҳўжалиғи ишларига жалб этилар, таълим йўналишларидаги ўн ойга мўлжалланган ўқув дастуридаги дарсларни олти ойда номига бажаришга мажбур бўлинар эди. Бу эса таълим ва ўқув жараёнини ташкил этиш сифатида, талабаларнинг теран билим олиши, профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва илмий фаолиятига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, олий таълим муассасалари тайёрлаётган битирувчилар савияси ва малакасининг паст даражада бўлишига олиб келарди.

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат фақат салбий натижалар бериб, йиллар давомида ҳал бўлмай, дунё ҳамжамияти олдига давлати-мизни обрўсизлантириб келаётган энг оғриқли муаммо эди. Президент-



Кейинги беш йилда олий таълим муассасаларининг қабул квоталари 9 фоиздан 28 фоизга оширилди. Мамлакатимиздаги йирик олий ўқув юр்தларининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиаллари, янги, шу билан бирга, хорижий олий таълим муассасалари очилиб, уларнинг сони 77 тадан 141 тага етказилди.

рожаат этайлик: шу йилнинг 9 сентябры куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Х съездида мамлакат Президентлигига номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида: “Мана, уч-тўрт йилдан буюн ўқитувчи ва ўқувчилар — мактабда, врач — шифохонада, олимлар — лабораторияда, талабалар — аудиторияда ўз машғулоти ва ўз иши билан банд бўлмоқда”, деганида барча зиёлилар ич-ичидан беҳисоб миннатдорлик билдиргани рост.

Кейинги беш йилда олий таълим муассасаларининг қабул квоти-

талари 9 фоиздан 28 фоизга оширилди. Мамлакатимиздаги йирик олий ўқув юр்தларининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиаллари, янги, шу билан бирга, хорижий олий таълим муассасалари очилиб, уларнинг сони 77 тадан 141 тага етказилди.

2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун билан эса ўқитишнинг масофавий, дуал, инклюзив шакллари ва нодавлат, давлат-хусусий шериклик негизидagi олий таълим муассасаларига ҳуқуқий асос солинди. Президентликга номзод Сайловолди дастурида сифат ва рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида 2026 йилгача хусусий олий ўқув юр்தлари сони камида 50 тага етказилишини айтиб ўтди.

Олий таълим муассасаларимизнинг халқаро рейтингни яхшилашнинг натижасида нуфузли хорижий университетлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик кучаймоқда. Таъ-

лим жараёнини сифатли ташкил этиш мақсадида моддий-техник база яхшиланмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий даражаси, муаллифлик мақоласи ва ишланмаларидан келиб чиқиб, уларга ҳақ тўлаш тизими шакллантирилди.

Тан олиш керак, давлатимиз раҳбари беш йил олдин олий таълим тизимида юқорида таъкидлаб ўтилган ишларни амалга оширишнинг режалаштириганда муҳим ислоҳотларнинг тез фурсатда бажарилишига барча бирдек тайёр эмас эди. Лекин бугунги кунга келиб, соҳадаги энг мураккаб муаммолар, ҳақиқатан ҳам, ҳал этилгани Президентимизнинг жараёналарни нақадар реал баҳолаши, узоқни кўра билиши ва устувор вазифаларни белгилаб бериши билан изоҳланади.

Олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик бериш, бошқарув кенгашларининг ролини кучайтириш ва кафедралар ваколатларини кенгайтириш, ўқув жараёни билан ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини кўтариш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қозғобозлиқни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин камайтириш каби устувор вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ёшлари келажақда башарият ифтихориға айланган буюк аждодларимизга муносиб ворис сифатида давлатимизнинг барча соҳадаги тараққиётига ўз билими, иқтидори билан ҳисса қўшадиган малакали мутахассис бўлиб етишишга шубҳа йўқ. Зеро, мамлакатимизда таълимга қаратилаётган эътибор ҳамда яратилаётган шарт-шароитлар шундай ҳулоса қилишимизга асос бўлади.

Мухтор ИБРАГИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси.

мавжуд тизимни янада такомиллаштириш, аҳоли эҳтиёжманд қатламини ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги усул ва механизмларини доимий такомиллаштириб бориш орқали камбағаллик даражасини янада қисқартириш механизмларини жорий этиш назарда тутилган.

Юқорида келтирилган факт ва рақамлардан ангашиялптики, республикада муҳтожликка барҳам бериш учун кенг қамровли ва салмоқли ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Шундай бўлса-да, “мамлакатимизда камбағаллик тўла барҳам топди”, дейишга ҳали эрта. Чунки бу жуда мураккаб, ечими анча вақт ва ресурслар талаб қиладиган муаммодир. Шундан келиб чиқиб, O‘zLiDePдан Президентликка қўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёев мазкур йўналишдаги ислоҳотларни

лиқни қисқартириш йўналишида жараён шаффофлиғи, натижадорлиғи ва манзиллилигини таъминлаш мақсадида давлат ижтимоий хизмат ва ёрдамларини автоматлаштирилган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали тақдим этиш амалиётга жорий қилинди. Шунинг борабарида, умумий олиб қарайдиган бўлсак, макроиқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва жорий этишда камбағаллиқни қисқартириш масаласига, ҳар бир ҳудудда тадбиркорлиқни ривожлантиришга, давлат улуши бор қорхоналар ислоҳ қилинишига, шаҳарлаштириш бўйича ишлар изчиллик билан амалга



оширилишига катта эътибор берила бошланди.

Мухтожларга қўмак беришда маҳаллабй ишлаш тизими ҳам кутилган натижаларни бери. Масалан, ҳар бир маҳаллани комплекс ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ўрта ва узоқ муддатларда камбағаллиқни қисқартиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш мақсадида Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури экспертлари билан биргаликда “2021 — 2030 йилларга қадар Ўзбекистон Республикасида камбағаллиқни қисқартириш стратегияси” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда эҳтиёжманд аҳолига қўрсатиладиган ёрдам ва хизматлар турини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш орқали

узлуксиз давом эттириш, янги босқичга олиб чиқиш бўйича мақсад-вазифаларини зълон қилди. Номзодимизнинг бу йўналишдаги позицияси қатъий ва аниқ: “Биз юртимизда ёрдамга муҳтож биронта инсон эътибор ва амалий ғамхўрликдан четда қолмаслиғи учун барча чораларни кўрамиз”. Хусусан, 2026 йил якунигача камбағаллиқни камда 2 баробар қисқартириш — устувор вазифаларидан бири эканини таъкидламоқда. Шавкат Мирзиёевнинг Сайловолди дастури билан танишган ҳар бир киши бу гаплар шунчаки ваъда эмаслигига ишонч ҳосил қиладди.

Мавлуда ХўЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси.



ФАҚАТ СОҒЛОМ ХАЛҚГИНА КУЧЛИ ВА ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТ ҚУРА ОЛАДИ

“Саломатлиқнинг баҳоси йўқ”, дейди донишмандлар. Чунки соғлиқ бўлмаса, на фароғат, на ҳашамат татийди. Яна айтиладарки, соғлиқ ундан баҳраманд одам учун ҳам, бошқалар учун ҳам улуг неъматдир. Ана шу ҳикматлардан келиб чиқсак, Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг илк кунлариданоқ соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга, халқимиз саломатлигини асрашга киришгани алоҳида эътибор ва эътирофга лойиқ. Давлатимиз раҳбари илгари сурган “Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун кўриши керак” деган эзгу тамойил тиббиётимизга ҳам изчил татбиқ этиляпти.

Тиббиётдаги устувор ислоҳотлар

Албатта, кичик бир мақолада кейинги беш йилда мазкур соҳада амалга оширилган ислоҳотлар, янги-ланишларни батафсил баён қилишнинг имкони йўқ. Шу боис айрим ютуқ ва ўзгаришларни қайд этиш билан қиёяланамиз.

Биринчидан, мамлакатимизда аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати, самарадорлиғи ва оммабоплиғи оширилди. Хусусан, умумий амалиёт шифокори мутахассиси оилавий шифокор, қишлоқ врачлик пункти оилавий шифокор пункти, қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникаси эса оилавий поликлиника, деб қайта номланди ва фаолияти янги босқичга кўтарилди. Ушбу шифокорларга ёрдам бериш учун терапия, педиатрия, акушерлик ва патронаж бўйича тиббиёт бригадалари ташкил этилди. Бу бригадалар ўзларига бириктирилган оилалар қесимидан “тиббий хариталар”ни шакл-



2016 йилда “Тез ёрдам” тизимида ҳар бир қақирққа сарфланган маблағ ўртача 745 сўмини ташкил қилган. Соҳага қаратилаётган катта эътибор натижасида битта қақирққа дори-дармон учун ажратилаётган маблағ 10 баробардан зиёдага ошиб, бугунги кунда ўртача 7 минг 700 сўмга етди. 2016 йили мамлакатимизда 800 та “тез ёрдам” шохобчаси ва 1 минг 648 та тез тиббий ёрдам бригадаси фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони мос равишда 1 минг 666 та ва 2 минг 685 тани ташкил қилмоқда.

лантириб, манзилли иш олиб бориши белгиланди. Яъни тиббиётнинг бирламчи бўғини тўғридан-тўғри бемор билан бевосита ишлайдиган, касалликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантирилмоқда.

Иккинчидан, илгари юртимизда буйрак ва жигар трансплантацияси амалиётлари ўтказилмас, бу ҳолат қўлгина ватандошларимизнинг эрта вафот этиши ёки касаллиқни хорижий мамлакатларда катта маблағ эвазига даволашига сабаб бўларди. Эндиликда Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази трансплантология бўлимида буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Шу билан бирга, мамлакатимизда инсон аъзоларини трансплантация қилиш бўйича қўнуний асослар ишлаб чиқияпти. Бу борада мустаҳкам ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиғи туфайли, илгари донорлик қилувчи шахс беморнинг яқин қариндоши бўлмаса, трансплантация учун рухсат берилмас эди. Қўнчилик ғўқароларимиз бундай тиббий операцияни чет элда ўтказар, хорижга боришга қурбй етмаганлар эса чорасиз ахволда қолар эди.

Учинчидан, 2016 йилда “Тез ёрдам” тизимида ҳар бир қақирққа сарфланган маблағ ўртача 745 сўмини ташкил қилган. Соҳага қаратилаётган катта эътибор натижасида битта қақирққа дори-дармон учун ажратилаётган маблағ 10 баробардан зиёдага ошиб, бугунги кунда ўртача 7 минг 700 сўмга етди. 2016 йили мамлакатимизда 800 та “тез ёрдам” шохобчаси ва 1 минг 648 та тез тиббий ёрдам бригадаси фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони мос равишда 1 минг 666 та ва 2 минг 685 тани ташкил қилмоқда.

Тўртинчидан, Президентимизнинг тегишли қарорига кўра хусусий тиббиёт ташкилотлари 2017 йил 1 апрелдан 129 та тиббий ихтисослик бўйича лицензия олишларига имкон яратилган соҳадаги муҳим ўзгаришлардан бири бўлди. Ваҳоланки, илгари улар 50 турдаги хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган. Бундан ташқари, нодавлат тиббиёт мутахассасига ишга кириш учун шифокорда малака тоифаси бўлиши талаб этилар, бунинг учун камда 5 йил тиббий фаолият билан шуғулланиши лозим эди. Эндиликда бу мураккабликка ҳам чек қўйилди.

Бешинчидан, беш йил аввал тиббиёт муассасаларимизда 84 минг 100 нафар шифокор фаолият юритган бўлса, бугунги кунда 93 минг 337 нафар малакали мутахассис соҳада самарали меҳнат қиляпти. 2016 йили Ўзбекистонда тиббиёт йўналишида 7 та олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, айни вақтда улар сони 9 тага етди. Мазкур олий ўқув юр்தларида бакалаврият бўйича квоталар сони 72 фоиз, магистратура бўйича эса 92 фоизга оширилди.

Пандемия ва самарадор тиббиёт тизими

Пандемия тиббиётимизни ҳам жиддий синовдан ўтказди. Тиббиёт соҳасида ўз вақтида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли ушбу глобал муаммони нисбатан кам талафот билан енгиб ўтмоқдамиз.

Қисқа муддатда барча шароитга эга 30 минг ўринли даволаш масканлари ташкил этилди. Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Катта маблағ ва меҳнат эвазига юртимизга “Спутник V”, “AstraZeneca”, “ZF-UZ-VAC2001”, “Модерна” вакциналари олиб келиняпти. Халқимиз бепул эмланмоқда.

Шу билан бирга, пандемия даври учун ўта муҳим бўлган “ремдесивир”, “фавипиравир”, “гепарин”, “эноксапарин” ва бошқа препаратларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Юқоридагилар шундан далолат бераптики, ислоҳот-

лар туфайли тиббиётимиз зиммасига юкланган вазифаларни тўла-тўқис бажара оладиган соҳага айланди. Шундай бўлса-да, Президентимизнинг яқинда чоп этилган “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида қайд этилганидек, “Эришган натижаларимиз тарихга айланиб, олдимизда янги ҳаётий заруратлар ва уларни амалга ошириш бўйича оилам вазифа ва имкониятлар пайдо бўлмоқда”.

“Янги Ўзбекистон стратегияси” да аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислоҳотларни янги босқичга кўтариш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Пировард мақсад — барча учун сифатли ва профессионал тиббиёт тизимини яратиш. Жумладан, пандемия сабоқларидан келиб чиққан ҳолда тиббиёт соҳасини рақамлаштириш қўлами янада кенгайтирилади. Шунингдек, тиббий хизматлар кўрсатишда бирламчи бўғин қамровини кенгайтириш мақсадида келгуси уч йилда 315 та “оилавий шифокор” пункти ва 85 та оилавий поликлиника ишга туширилади.

Худудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишининг кластер моделини шакллантириш, тиббиёт ва фармацевтика муассасаларини аккредитация қилиш, шифокорлик ва фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тизими жорий этилади.

Давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини белгилашда маҳаллий хусусиятлар ҳисобга олинади.

Фармацевтика тармоғи янада ривожлантирилади, нарх шаклланиши механизмлари такомиллаштирилади, дори воситалари, тиббий техника ва буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турлари кенгайтирилади.

Аҳолининг узоқ умр қўришини таъминлашга йўналтирилган “Ақли тиббиёт” концепцияси ишлаб чиқилади ва жорий этилади. Мухтож оилаларга дори-дармон, шифохонада даволаниш, жарроҳлик амалиёти учун тиббий хизматларни бепул амалга ошириш бўйича мақсус тизим яратилади. Ушбу тизимда она ва бола соғлиқини сақлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунинг борабарида, келгусида тиббиёт ходимларининг масъулияти ва ҳимояланганлигини кучайтиришга қаратилган қўнунлар қабул қилинади, мажбурий тиббий суғурта босқичма-босқич жорий этилади, таххис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари ҳамда тизимни мукамаллаштиришга қаратилган бошқа қўллаб ўзгаришлар амалга оширилади.

Моҳиятан, “Янги Ўзбекистон стратегияси” “ҳамма нарсга халқ манфаати учун” деган тамойилга қурилаган соғлиқни сақлаш тизимининг бугунги ва келажагини да ҳам ўз ифодасини топмоқда. Янги сиёсатда аҳоли соғлиғига мамлакат қудрати ва салоҳиятининг асосий кўрсаткичи, деб қаралмоқда. Зеро, фақат жисман ва руҳан соғлом халқгина кучли ва қудратли давлат қура олади.

Мавлуда ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси.



2017 — 2021 йилларда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ПАРЛАМЕНТ НИГОҲИДА

Соғлиқни сақлаш соҳасида




Бирламчи tibbiy sanitariya ёрдами хизмати



Тез tibbiy ёрдам хизмати



Ихтисослаштирилган tibbiy хизмат



Тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлаш тизими



Елена БОРИСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

Мамлакатимизда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида изчил ислохотлар олиб боришмоқда.

Хусусан, юртимизда тиббиётнинг барча бўғинида бирламчи тиббий санитария ёрдамидан тортиб, ихтисослаштирилган тиббий хизматгача, хусусий тиббиёт тизими, тиббиёт муассасалари моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, уларда кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари кўпайди. Бундай хизмат кўрсатувчи муассасалар тармоқлари ҳудудларга, туман-шаҳарларга етиб боради, кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасидаги ислохотлар натижасида жойларда тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Ўтган даврда оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникаларни ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилиб, тез тиббий ёрдам шохобчалари оилавий поликлиникаларга жойлаштирилди. Жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи ривожлантирилмоқда.

Қайд этиш жоизки, аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, соғлиқни сақлаш борасида Қонунчилик палатаси масъул қилиб белгиланди. Қонунчилик палатасида алоҳида қўмита ташкил қилинди, Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича Парламент комиссияси фаолият юритмоқда.

Депутатлар соҳага оид қўнунчиликни такомиллаштириш билан бирга, аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларни зарур дори-дармон ва тиббий жиҳозлар билан узлуксиз таъминлаш, ушбу

Бугунги кунда тиббиётдаги туб ислохотлар факат касалликнинг асоратларини даволашга эмас, асосан, профилактика, соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, жисмоний фаолликка қаратилган ҳолда касалликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар қўйилган.

Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Уларни тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, дори воситалари таъминотиغا бир неча баробар кўп маблағ йўналтириш жорий этилди. Соғлом авлодни шакллантириш борасида ёш болалар ва ҳомиладорларни профилактик мақсадда дори воситалари билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Энг муҳими, соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида умр давомийлиги 73,7 ёшдан 74,8 ёшга ўзгариб, гўдаклар ўлими 11,5 промиллидан 9 промиллига камайдди, хавфли ўсма билан касалланиш 70,2 дан 64,9 га ва сил билан касалланиш 44,9 дан 38,9 га пасайди.

Мухтасар айтганда, тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар аҳолига қулайликлар яратиш билан бирга, тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилашга, соҳада кўрсатилаётган хизматларни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқишга хизмат қилади.

БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИГА СЎРОВ ЮБОРИЛДИ

Биринчидан, юртимиздаги ўнлаб туман ва шаҳарларда маданият марказларининг биноси капитал ҳамда жорий таъмирга муҳтож, бир қатор маданият марказлари алоҳида бино билан таъминланмаган. Катор туман ва шаҳарлардаги аксарият маданият марказларининг бинолари эса маданий соҳада фаолият олиб бориш учун мўлжалланмаган бўлиб, белгиланган талабларга жавоб бермайди. Айниқса, имконияти чекланган шахслар учун маданий марказлари биноларининг деярли барчаси ачинарли ҳолатда бўлиб, зудлик билан тегиш-

ли чоралар кўришни талаб этади.

Иккинчидан, ҳудудлардаги аксарият маданият марказлари тегишли моддий-техник база билан таъминланмаган, айримларининг моддий-техник базаси эса талаб даражасида эмас.

Ўрганишлар чоғида аниқланган камчиликлар Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясида белгиланган талабларга жавоб бериш, хусусан, маданият муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, қабул қилинаётган иқтисодий, ижтимоий ва маданият соҳасига оид қарорларнинг бажарилишини

2030 йилга қадар 25 фоиздан ОШИРИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛГАН

Мажлисида депутатлар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ташаббуси билан "Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ҳолати тўғрисида"ги масала юзасидан юборилган парламент сўровига энергетика вазири А. Султоновнинг жавобини муҳокама қилди.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ) қурилмаларидан фойдаланишни ривожлантириш экологик муаммоларнинг олдини олиш билан бирга, қазилма энергия ресурсларига бўлган талабнинг ўрнини қоплаш ва янги иқтисодий соҳани яратиш мақсадларида олиб боришмоқда. Мавсумий гидроэнергетика ресурслари миқдори ўзгариши сабаб, ҚТЭМ улуши йиллар бўйича фарқ қилади. 2019 йилда гидроэлектростанцияларда ишлаб чиқарилган ҚТЭМ миқдори умумий электр энергияси ишлаб чиқарилишининг 10 фоизини ташкил этди. Айни вақтда юртимизда ҚТЭМдан ишлаб чиқарилган электр энергияси улушини 2030 йилга қадар 25 фоиздан ошириш режалаштирилган.

Энергетика вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган 2020 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси-га биноан 5 ГВт қуёш фото-электр ва 3 ГВт шамол электр станциялари қурили-шини амалга ошириш орқали саноат кўламадаги ҚТЭМ электр станциялари миқдори-ни ошириш мақсад қилинган.

Тақдид этилган маълумотга кўра, бугун давлат-хусусий шериклик асосида ҚТЭМ электр станциялари лойиҳаларини амалга оши-ришда халқаро молия инсти-тутлари билан ҳам ҳамкор-лик қилинмоқда. Молия институтлари ҚТЭМ электр станциялари танловлари шаффофлиги таъминланган ҳолда ўтказилишига имкон қадар техник кўмак бериб келмоқда. Бу инвестиция лойиҳаси жозибадорлиги ҳамда инвесторларнинг

лойиҳага қизиқишини оширмоқда.

Хусусан, шамол электр станциялари (ШЭС) лойиҳа-лари танловлари Европа тик-ланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа ишга тушиши билан йилга 350 миллион кВт/соат қўшим-ча электр энергияси ишлаб чиқарилади. Иккинчи фаза қуввати 200 МВт бўлган ШЭС қуриш лойиҳаси Қораўзак туманида амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда метео-маталар ўрнатилиши якун-ланиш босқичида турибди.

Мажлисида халқ вакиллари томонидан билдирилган фикрлар инobatга оlinиб, парламент сўровига юборили-ган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Т. Норбоева Ўзбекистоннинг гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ютуқлари ҳақида сўзлаб, "БМТ-Аёллар" тузилмаси билан ҳамкорлик мунтазамлик касб этганлигини алоҳида таъкидлади.

Ўз навбатида, А. Эл-Яссир Сенат Раислиги раҳбарлигида превентив дипломатия ва аёллар тадбиркорлиги соҳасида минтақадаги хотин-қизлар ўртасида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди.

Шунингдек, Алия Эл-Яссир шу йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган мулоқотнинг якуний мажлисида иштирок этишини таъкидлади. Қолаверса, "БМТ-Аёллар" тузилмасининг янги ижрочи директори Сима Сами Бахуснинг келгуси йилда Ўзбекистонга ташриф буюришини маълум қилди.

Евроосиё аёллар форумида доирасида Ўзбекистон делегацияси ЕХХТ ПА вице-президенти, Марказий Осиё бўйича махсус вакили Пиа Каума билан учрашди.

ЕХХТ ПА доирасида ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, шунингдек, қонунчилик жараёнини

янада такомиллаштириш ва парламент назоратини амалга оширишда халқаро илғор тажрибани ўрганиш борасида Парламент Ассамблеяси билан алоқаларни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

П. Каума Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳамда Олий Мажлис ва ЕХХТ ПА ўртасида жадал ривожланаётган алоқаларни юқори баҳолади.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон раҳбариятининг халқаро ва минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш борасидаги очик ва изчил сиёсати тубайли икки томонлама муносабатларда катта ютуқларга эришилди.

ЕХХТ ПА вице-президенти Яқин Шарқдаги жанговар ҳаракатлар кетаётган минтақадан 400 дан ортиқ аёл ва болаларни қайтариш бўйича "Меҳр" гуманитар операциялари натижаларини эътироф этди.

Учрашув давомида томонлар тизимли мулоқот ва фаол алоқаларни, шу жумладан, ЕХХТ ПА доирасидаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга келишиб олди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

207 ТА САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА ЖАРАЁНЛАР ОНЛАЙН ВИДЕОТРАНСЛЯЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Шунингдек, тадбирда комиссия аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан катнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Ташқи ишлар вазирлиги томонидан 177 нафар хорижий (халқаро) кузатув-чини аккредитациядан ўтказиш бўйича МСКга тақдимномалар киритилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан катна-шадиган кузатувчиларни аккреди-тация қилиш тўғрисида Марказий сайлов комиссияси қарори лойи-ҳаси ишлаб чиқилиб, унга муво-фик, халқаро ташкилотлар, шу-

нингдек, хорижий мамлакатлардан жами 177 нафар халқаро куза-тувчи рўйхатдан ўтказилди.

Шундай қилиб, айни кунга қадар аккредитациядан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан катнашадиган кузатувчилар умумий сони 557 нафарни ташкил этмоқда. Марказий сайлов комиссияси халқаро кузатувчиларга сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш даврида ўз фаолиятини амалга ошириши учун мандатларини қонунда белгиланган муддатда тақдим қилмоқда.

Бундан ташқари, мажлисида ўтган вақт давомида Марказий

сайлов комиссиясига 27 та ма-ҳаллий оммавий ахборот восита-си томонидан мурожаат келиб тушгани айтиб ўтилди. Оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғри-сидаги қарор лойиҳаси бир овоз-дан маъқулланди ҳамда жами 62 нафар маҳаллий ОАВ вакили аккредитациядан ўтказилди. Эн-дликда аккредитациядан ўтказил-ган маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари жами 1 минг 419 нафарни, хорижий ОАВ вакиллари эса 146 нафарни ташкил этмоқда.

Мажлисида кун тартибига ки-ритилган қарорлар очик овоз бе-риш орқали, комиссия аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Раҳим ШЕРКУЛОВ («Халқ сўзи»).

Парламент назорати

ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг кенгайтирилган ййғилишида Давлат божхона қўмитаси раҳбариятининг Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ҳамда Молия вазирлигининг масъул ходимлари ишти-рок этди.

Давлат божхона қўмитаси томонидан Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан божхона органлари инфраструктурасини ривож-лантириш, рақамли иқтисодиёт доирасида бож-хона соҳасига замонавий ва илғор ахборот-ком-муникация технологияларини кенг жорий этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига қулай шарт-шароит яратишга қаратилган қатор ишлар амалга оширилган.

Шу билан бирга, ййғилишда Давлат божхона қўмитаси тизимида бюджет маблағларидан мақ-садли ва самарали фойдаланиш юзасидан Мо-лия вазирлигининг Давлат молиявий назорат департаменти томонидан ўтказилган назорат тадбирларининг натижаси бўйича тайёрланган таҳлилий маълумотлар ҳам муҳокама қилинди.

Депутатлар томонидан соҳада йўл қўйилган молиявий хато ва камчиликлар, унинг келиб чиқиш сабаблари, мавжуд молиявий хатолик-ларни бартараф этиш бўйича қўрилган чоралар ҳам танқидий кўриб чиқилди.

Ййғилишда Мудофаа ва хавфсизлик масала-лари қўмитасининг Давлат божхона қўмитаси тизимида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдалани-лиши устидан парламент назоратини қўйати-риш, бюджет соҳасида молиявий хатоликлар ва камчиликларнинг олдини олишга қаратилган қарори қабул қилинди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Қонунчилик па-латасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалала-ри қўмитаси томонидан Давлат бюджетидан аж-ратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши юзасидан Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазият-лар вазирликлари раҳбарларининг ахбороти ҳам эшитилган.

«Халқ сўзи».

ШУКРОНАЛИК ТҮЙҒУСИ ВА ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ



Аёнки, пандемия шароитида маълум бир муддат қўлаб ҳамюртларимиз доимий даромад манбаидан айрилди. Уларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш учун табиийки, жорий этилган тизимларга асосан тартибли иш ташкил қилинди. Натижада 2-секторга бириктирилган 747 мингдан зиёд аҳолининг эҳтиёжи тўла қондирилишига эришилди. Энг аввало, “темир дафтар”га киритилган хотин-қизларга амалий кўмак кўрсатилди.

Ўзбек аёллари азаддан меҳнат бодан бахтини топган. Халол ризққа одатланган опа-сингилларимизнинг бандлигини таъминлаш орқали нафақат уларнинг, балки ён-атрофидagi аёлларнинг ҳам рўзгорини бутлашга эришдик.

Мисол учун Корасув шаҳрида яшовчи Нодирахон Алимбоевани олайлик. Турмуш ўртоғи 1-гурӯх ногирони бўлгани боис тўшакча “мих-ланиб” қолган. Икки нафар вояга ет-

лан оилани таназулдан олиб чиқиб бўлмайди. Шу боис бундай опа-сингилларимизни доимий даромад манбаига эга қилиш чоралари қўрила бошланди.

Жумладан, Нодирахон Алимбоеванинг чеварлик хунаридан хабари борлигини инобатга олиб, икки дона тикув машинаси совға қилдик. Бундан ташқари, уйига яқин бўлган корхонага фаррош вазифасига ишга жойлаштирилди. Хозирда у эрталаб бир соат вақтини корхона юмушларига сарфласа, қолган пайтлари турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди ёнида, чеварлик билан шуғулланипти. Қувончлики, бу аёл буюртма асосида ишчилар махсус кийимларини тикишни йўлга қўйиб, ўзидан ташқари яна икки аёлни ишли қилди. Масалани шу тарика ёндашиш орқали “темир дафтар”га киритилган 15,3 минг оиланинг 14,6 мингтаси, яъни 95 фоизи эҳтиёжмандлар таркибидан чиқарилди.

Ҳар бир фуқаро учун энг катта бахт унинг тураржойи мавжудлигидир. Уйидан кўнгли тўқ инсон ҳар қандай муаммони ҳал қила олади. Шу боис сектор ҳудудига истиқомат қилувчи эҳтиёжманд оилаларнинг, энг аввало, тураржойи билан боғлиқ муаммосини ҳал этишни эътибордан соқит қилмадик. Натижада 45 та оиллага янги уй қуриб берилди, 211 та оиланинг тураржойи тўлиқ таъмирланди.

Мисол учун Шаҳрихон туманидаги “Найман” МФИда истиқомат қилувчи

га қарор қилдик. Хозирги кунда С. Беркинова ўз бошланасига эга.

Урганишлар давомида Асака туманида ўз уйига эга бўлмаган ҳамюртларимиз сони нисбатан кўпроқ экани маълум бўлди. Албатта, барчани бирдан тураржой билан таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Бироқ бу борада сабаб ахтаришдан ҳам фойда йўқ.

Шу тумандаги “Олақанот” МФИда истиқомат қилувчи Ёркинбек Шарофиддинов кам таъминланганлар рўйхатида туради, айни чоғда доимий яшаш жойига эга эмас эди. Унга тураржой учун ер майдони ажратилиб, уй қуришда ҳам амалий кўмак кўрсатилди.

Сектор фаолиятини ташкиллаштиришда энг оғирлиқ нуқталардан бири ёшлар масаласи бўлди. Айни кунга тўлган йигит-қизлар орасида афсуски, уюлмаганларни жуда кўп. Фойдала ижтимоий меҳнат билан банд бўлмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этиш ҳолатлари кўп учрайди.

Демак, ҳар қандай иллатнинг давоси бандлиқдир. Агар масаланинг шу жиҳатини таъминлай олсак, умид-

Дейлик, Булоқбоши туманида узумчиликнинг ҳадисини олганлар истиқомат қилади. Уларга озгина моддий ёрдам кўрсатилса, нафақат даромадлари ортади, балки эҳтиёжмандлар ҳам даромад топа бошлайди. Учқўча маҳалласида мавжуд 480 та хонадоннинг барчаси узумчилик билан шуғулланади. Озгина эътибор, амалий ёрдам билан маҳалла



Ҳосан ГАЙДОВЕВ олган суратлар.

аҳлини катта даромад манбаига эга қилиш мумкинлигини назарда тутиб, шу кунгача ушбу ҳудуддаги 68 та хо-

“Пандемия ҳолати ишлаб чиқариш корхоналари учун ҳам катта синов даври бўлди. Юзлаб ишчиларнинг даромад манбаига айланган айрим корхоналар ўз фаолиятини тўхтатишига тўғри келди. Секторимизда бу каби вазиятларнинг олдини олиш, корхоналарни қўлаб-қувватлаш натижасида ишчилар турмуш шароитида унчалик қийинчилик сезилмади.”

ли ёшларимиз олтиндан-да қиммат вақтини бекор ўтказмаслиги аниқ.

Ана шу мақсадда “темир дафтар”га киритилган 5,9 минг нафар йигит-қизга жами 590 гектар ер майдонидан деҳқончилик учун ажратиб берилди. 1,1 минг нафарига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит ажратилишида ёрдам кўрсатилди. Қарангки, бу каби сайёҳаракатлар тезда ўз самарасини кўрсати.

Масалан, Бўстон туманида яшовчи Ўқболжон Ҳасимовга 30 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилиши тўғрисида бетон гишт ишлаб чиқариш усунига сотиб олди. Бу билан у 10 нафар тенгдошини ҳам доимий даромад манбаига эга қилди.

Амалий ҳаракатларнинг энг самарали жиҳатлари маҳаллабй ишлаш тизимида ўз ифодасини топди, десак, хато бўлмайди. Урганишлар давомида маҳаллаларнинг “ўсиш драйвери”ни аниқлаб олдик.

надонга ишқомлар қуриш учун 340 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир хонадондан бир йилда ўртача 3-4 тонна узум ҳосили олиш ҳисобига 15 — 20 миллион сўмдан даромад топиш имкони мавжуд. 68 та хонадонга қуриб берилган 1 км. ишқомлар тўғрисида ўртача 60 тонна қўшимча ҳосил олиш имкони пайдо бўлди. 1 кг. узумни ўрта ҳисобда 3 минг сўмдан ҳисоблаганимизда ҳам маҳалла аҳолисига йилга 2 миллион ард, ҳар бир хонадонга эса 15 миллион сўмдан қўшимча даромад олиш учун шароит яратилди.

Муҳтасар айтганда, бугунги кунда халқ ташвиши билан яшаш, муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш секторлар маъсулларининг асосий аъмолига айланган. Бундай самарали тизим фаолиятдан эса аҳоли беҳад хурсанд. Ўз навбатида, халқимиз манфаатини қўлаб амалга оширишда кенг қўламли ислохотлар ва ангилянишлар фуқароларимизда шукроналик туйғусини юксалтириб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Пандемия ҳолати ишлаб чиқариш корхоналари учун ҳам катта синов даври бўлди. Юзлаб ишчиларнинг даромад манбаига айланган айрим корхоналар ўз фаолиятини тўхтатишига тўғри келди. Секторимизда бу каби вазиятларнинг олдини олиш, корхоналарни қўлаб-қувватлаш натижасида ишчилар турмуш шароитида унчалик қийинчилик сезилмади.

Масалан, карантин даврида фаолиятини тўхтатишига тўғри келган “Мархамат текстиль агро” МЧЖга 100 миллион сўм кредит маблағи ажратилиши тўғрисида қўлаб ишчиларнинг тирикчилик манбаи қайта тайинланди.

“Биотекст” МЧЖ эса ер майдонига эга бўлмаганлиги боис етарли шароит ярата олмай, фаолиятини тўхтатишга қарор қилди. Бундан хабар топган сектор маъсуллари дарҳол ёрдам қўлини чўздди. Қарабиски, корхонага 0,20 гектар ер майдони ажратилиши эъзизига корхона ишлари юришиб кетди.

Бу каби мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Умуман, 459 та хўжалик юритувчи субъектга коммуналция тармоқларига уланишида, 91 тасига лицензия ва рухсатнома расмийлаштирилишида ва 451 тасига бошқа масалаларда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Оқоридагилар билан бир қаторда, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқаролар ва юридик шахсларнинг вакиллари, тадбиркорлар, ёшлар ва хотин-қизлар билан ўтказилган 34 та сайёр қабул ва учрашув давомида 950 нафар фуқародан турли мазмундаги мурожаатлар келиб тушган бўлса, уларнинг 448 таси жойида қаноатлантирилди, 502 тасига эса қўнун талаблари тушунтирилди.

Ҳайратмис ФОЗИЛОВ,
Андижон вилояти прокурори.

ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН КЎРИК-ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ “Абдулла Орипов издошлари”, “Ўткир Ҳошимов асарлари билимдон” кўрик-танловларининг туман-шаҳар, вилоят ва республика босқичларини ташкил этиш белгиланган эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда кўрик-танловларнинг туман-шаҳар ва вилоят босқичлари ўтказилди.

2021 йилнинг апрель ойда мамлакатимиздаги 206 та туман ҳамда шаҳарда танловларнинг биринчи босқичи ташкил этилди. Мамлакатимиздаги 9 мингга яқин мактаблар мазкур танловларга жалб қилиниб, унинг вилоят босқичига ҳар бир туман ва шаҳардан 2 нафар, ижод мактабларидан эса бир нафардан қолиблар йўлланмани қўлга киритди. Танловнинг вилоят босқичи май ойининг иккинчи ярмида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда бўлиб ўтди. “Абдулла Орипов издошлари” кўрик-танлови бўйича бир нафар, “Ўткир Ҳошимов асарлари билимдон” кўрик-танлови бўйича бир нафар, ижод мактабларидан ҳам худди шундай икки нафардан, жами республика босқичига 46 нафар иштирокчи етиб келди.

Бундай кўрик-танловлар мамлакатимиз ёшларига руҳ бағишлаш ишубасиз, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ботиρχон Эргашев. — Адабиётга ошно ҳар бир ёш, ҳар бир қанб юксак марраларга ҳар кимдан кўра олдинроқ етиб боради, деб ўйлайман. Чунки адабиётга ошурта қалбдан ёмонлик чиқмайди. Яшларнинг йўли эса ҳаммаша очкидир. Танловнинг республика босқичи чиндан-да муросасиз кечди. Беллашувларни кузатар эканмиз, иштирокчиларнинг иқтидори, ғайратини кўриб, бу ёшларнинг кела-

жаги нурафшон эканига ишончимиз қиммил бўлди.

Танловнинг республика босқичида иштирокчиларни саралаш мақсадида танлов комиссияси томонидан висторина саволлари орқали йигит-қизларнинг билимлари синновдан ўтказилди. Тадбир сўнггида фохрли ўрин соҳибларига қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширилди. Шунингдек, танлов иштирокчиларининг барчасига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп қилинган китоблар жамламаси тақдим этилди.

Албатта, бу танловлар бизга маҳорат дарси бўлди, шу билан бирга, ижодий жараёнларда устозлардан кўп нарсалар ўрган-ди, дўстлар орттирдик, — дейди Ёркин Воҳидов номидagi ижод мактаби ўқувчиси Нилуфар Эргашева. — Яна бир қувонарли жиҳати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган Зомин семинарида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдик.

Аслида бу танловда иштирок этган барча ўқувчилар қолибдир. Негаки, улар ўз билими, иқтидори, изланишини адабий жамоатчиликка намойиш этишга, ўз устида янада кўпроқ ишлаш ва изланишга астойдил аҳд қилгани диққатга сазовордир.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ТУРК ДУНЁСИ ШОИРЛАРИ УЧРАШУВИ

12 — 15 октябрь кунлари Хива шаҳрида Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ томонидан “Турк дунёси шоирлари учрашуви” тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Адабий алоқалар

Ушбу учрашувлар буюк турк шоири Юнус Эмро ва фотиҳнинг 700 йиллиги муносабати билан ташкил қилинди. Юнус Эмро турк адабиётига катта таъсир кўрсатган шоир ва сўфий сифатида қадрланади. Шу боис ҳам ЮНЕСКОнинг 40-сессиясида 2021 йили Ислон дунёсининг бир қатор арбоблари — Ҳожи Бектош Вали, Юнус Эмро ва Аҳи Эвран йили деб

аташ тўғрисида қарор қабул қилинган.

Туркий тили давлатлардан ташриф буюрган таниқли шоирлар 12 октябрь кунин Урганч халқаро аэропортида тантанали қутиб олинди. Тадбир иштирокчиларининг Хоразмга сафари Хива шаҳрида Оғажий ижод мактаби ва шоирнинг уй-музейи билан танишишдан бошланди. Шундан кейин меҳмонлар

қадимий Ичан қалъанинг тарихий ёдгорликларини томоша қилдилар.

Ўзбекистонга ҳар бир сафарим унутилмас таассуротларга бой кечади, — дейди озарбайжонлик шоир ва таржумон Акбар Қўшали. — Ўзбекистон ота юрт, ота маскан. Ҳар гал келганимда улуг алломалар, мутафаккирларга бешик бўлган бу юртинг дийдорига тўймай кетаман. Қадимий Хива ҳақида Ўзбекистонга сафарим чоғида кўп эшитдим, бир бор бўлсада қўришни истардим. Насибамиз қўйилган экан, бугун қўноғи бўлди. Бу каби тадбирлар одамага ҳис-ҳаяжон ва

тафт бағишлайди, янги дўстлар орттиришга ва албатта, янги шеърлар туғилишга имкон яратди.

Учрашув дастуридан Хоразм Маъмуни академияси олимлари билан мулоқот, Президент мактаби, Урганч давлат университети, Комилжон Отановнинг уй-музейи ва ижод маркази, Хоразм маъмо маркази, “Ули ҳовли” тарихий мажмуаси, вилоят ахборот-қутубхона маркази ҳамда вилоят мусиқали драма театри фаолияти билан танишувлар ўрин олган.

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).

ҲУРМАТЛИ “UZKABEL” АЖ ҚҚ АКЦИЯДОРЛАРИ!

Шуни маълум қиламизки, “UZKABEL” АЖ ҚҚнинг 4 288 545 (тўрт миллион икки юз саксон саккиз минг беш юз қирқ беш) донна, номинал қиймати 1 500 сўм, умумий қиймати 6 432 817 500 (олти миллиард тўрт юз ўттиз икки миллион саккиз юз ўн етти минг беш юз) сўмлик оддий, эгасини номи ёзилган ҳужжатсиз акциялари қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантириш департаменти томонидан 2021 йил 11 октябрда ОҚ0803-6-сон билан рўйхатга олинган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 35 ва 36-моддаларига, жамият Уставига ва қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорга мувофиқ “UZKABEL” АЖ ҚҚнинг оддий (овоз берувчи) акцияларининг эгалари бўлган акциядорлар уларга тегишли бўлган оддий акцияларнинг сонига мутаносиб равишда тенг шартларда мазкур

чиқариладиган акцияларни имтиёзли харид қилиш ҳуқуқига эга.

“UZKABEL” АЖ ҚҚ акциядорлари навбатдан ташқари мажлисининг 2021 йил 27 августдаги қарорига мувофиқ қўшимча чиқариладиган акцияларнинг нархи битта акция учун 1 500 сўм миқдориди белгиланган.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан 30 (ўттиз) кун давомида амал қилади.

Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига оддий (овоз берувчи) акцияларнинг эгалари бўлган ва 2021 йил 27 август ҳолатига шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида рўйхатдан ўтган акциядорлар эга бўлади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акциялар сон кўрсатилган ёзма шаклдаги аризини ва ҳақ тўлаганилик

тўғрисидаги ҳужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида жамиятга тақдим этилиши керак.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунча қадар жамиятнинг акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Акциялар учун тўлов “UZKABEL” АЖ ҚҚнинг қийдаги банк реқвизитларига қабул қилинади:

Банкнинг номи: KDB BANK UZBEKISTAN СТИР: 200542182 МФО: 00842

Сўм ҳисоб рақами, х/р: 20214000400124997001 Валюта ҳисоб рақами USD, х/р: 20214840900124997015, SWIFT CODE: KODBUZ22

Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиб сотиб олиннадиган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

A / 476 505 = B

4 288 545* B = C

476 505 — жамиятнинг устав капиталидagi акцияларнинг умумий сони;

4 288 545 — қўшимча чиқариладиган акцияларнинг умумий сони;

A — жамиятнинг устав капиталда акциядорлар акцияларининг сони;

B — жамият устав капиталига мутаносиб қийматда акцияларнинг сони;

C — акциядор томонидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиб сотиб олиннадиган акцияларнинг сони.

Агар олинган сон бутун сон бўлмаса, унда вергулдан кейинги қолдиқ яхлитлаш қоидаларига кўра бутун сонга яхлитланади.

Сизни қизиқтирган саволлар бўйича “UZKABEL” АЖ ҚҚга қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингиз мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, 100041, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли, 2, pochta@uzkabel.uz,

алоқа телефони: 71-269 14 71, ички 1394

ЭЪЛОН

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 30 411 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 0010-4788

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.10 **Тошпирилди — 01.10** **1 2 3 4 5 6**